

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

## Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • [www.uzssgtz.uz](http://www.uzssgtz.uz), [info@uzssgtz.uz](mailto:info@uzssgtz.uz) • 2012 йил, 24 август • № 34 (899)

## ЮРТИМ, ЖАМОЛИНГГА КЎЗ ТЕГМАСИН!

Тиббиётимизнинг бугунги ва эртанги истиқболли манзиллари



Қашқадарё вилояти Қамаш туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги кўп тармоқли марказий поликлиника.

Фахр билан айтишимиз жоизки, истиқлолимизнинг 21 йили давомида юртимиз таниб бўлмас даражада ўзгариб, ўзининг гўзаллиги, нуфузи, қолаверса, меҳмондўст халқимизнинг самимийлиги билан дунё нигоҳидан муносиб ўрин эгаллади. Ҳа, бу қисқа давр ичида ана шундай ютуқларга эришишнинг ўзи бўлмади, албатта. Бунда Президентимизнинг оқилона сиёсатлари ўз ифодасини топиб, бунёдкор халқимизнинг астойдил меҳнатлари боис, ҳар бир соҳада оламшумул ўзгаришлар бўлиб, йиллар силсиласи тарих зарварақларида зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда. Қайси бир соҳага эътибор берманг, уларнинг ҳар бирида авлодларимизнинг порлоқ келажаги учун яратилаётган мустақкам пойдеворни кўрамиз. Дарҳақиқат, барча соҳалар қатори Юртбошимизнинг республика тиббиёт тизимига бўлган эътибор ва ғамхўрликлари боис, мазкур йўналишда самарали ишлар олиб борилиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошиб, халқимизнинг тиббиётга бўлган ишончи янада ортди. Шунингдек, кўплаб шифо масканларининг замонавий аппаратуралар, малакали кадрлар билан таъминланганлиги фаолиятлар изчиллигини оширишда, бунинг баробарида эса илмий салоҳият йўлидаги изланишлар янада бардавом бўлаётганлиги Ўзбекистон тиббиётининг дунё ҳамжамиятида ўз ўрни борлигини кўрсатиб келмоқда.

Эътирофлиси шундаки, тиббиётимизнинг ҳар бир йўналишидаги ўзгаришларга назар ташласак, улардаги янгиликлар қалбимизни қувонтиради. Айниқса, 2009 йилдан буён Инвестиция дастури асосида республикамиздаги тиббиёт муассасалари янгидан бунёд этилаётганлиги, реконструкция қилиниб, жаҳон стандартлари асосида капитал таъмирланаётганлиги диққатга сазовордир. Масалан, тизимда 2009 йил Инвестиция дастури доирасида 9,3 миллиард сўм, 2010 йил – 79,1 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2011 йилда 136,0 миллиард сўмни, 2012 йилда эса ушбу кўрсаткич 256,0 миллиард сўмни ташкил этди. Шу жумладан, жорий йилнинг Инвестиция дастури доирасида 151 та тиббиёт муассасаларида қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш учун 256,0 миллиард сўм сарфлаш режалаштирилган.



Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туман тиббиёт бирлашмаси.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида хизмат сафари билан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларининг тиббиёт муассасаларида бўлар эканмиз, жаҳон стандартларига мос равишда бунёд этилган шифо масканлари ҳамда халқимиз саломатлиги учун яратилаётган шароитларни кўриб, янада хурсанд бўлдик. Шунингдек, мазкур шифо масканларига мурожаат этиб келган аҳоли билан суҳбатлашар эканмиз, уларнинг қувончлари чексиз бўлиб, Юртбошимиз ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

– Давлатимиз томонидан халқимиз саломатлигига бўлган эътибор ҳар биримизни хурсанд қилмоқда. Айниқса, Қамаш туман тиббиёт бирлашмасидаги шароитлар аҳоли учун энгилликлар яратмоқда. Соғлигимни УЗИ аппаратида текширишди. Шифокор таҳлилига кўра менда ҳеч қандай касаллик аломати йўқ экан. Шундай бўлсада, соғлом турмуш тарзига риоя қилган ҳолда ўз соғлигимга эътиборли бўлишим муҳимлигини тушуниб етдим, – дейди Қамаш қишлоғида истиқомат қилувчи Зулайхо Умирова.

Албатта бундай эътирофли фикрларни кўплаб эшитишимиз мумкин. Мақсадимиз муштараклиги инсонлар саломатлиги экан, бу борада тиббиёт ходимларининг машаққатли ва шарафли ишларига омадлар тилаб қоламиз.

Ибодат СОАТОВА.  
Муаллиф олган суратлар.



Хоразм вилояти Янгиариқ туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги тез тиббий ёрдам бўлими.

## Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллиги олдидан

## ИСТИҚЛОЛ, ИСТИҚБОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИ

Мустақиллиқнинг дастлабки йилларидан бошлаб, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва бу орқали барча соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш, босқичма-босқич ривожлантириш ишларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди. Бугунги суҳбатдошларимиз ҳам айнан ушбу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси сифати-

да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида халқнинг ишончли вакили сифатида самарали меҳнат қилиб келишмоқда. Қуйида уларнинг миллий тараққиётимиз ривожига муҳим ўрин тутадиган қонунчилик асосларини такомиллаштиришга доир фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ  
ХУҚУҚИЙ ТАЯНЧИ

**Кобилжон ТОШМАТОВ,**  
Бюджет ва иқтисодий  
ислохотлар кўмитаси  
аъзоси:

– Муҳтарам Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели" бугунги кунда ўзининг юксак самараларини бермоқда. Буни мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиб, халқимиз фаровонлиги изчил юксалиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Республикада молия-банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, унинг барқарорлигини ошириш, банклар фаолияти ҳамда ва бутун молия-банк тизимини баҳолаш ёндашуви ва тизимларини тубдан ўзгартириш, банк фаолияти ташкил этилишини умум қабул қилинган халқаро меъёр, андоза ва баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ янада юқори даражага кўтаришни таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, бугунги кунда банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,2 фоизни ташкил этиб, халқаро банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан қабул қилинган талабга (8 %) нисбатан 3 баробар юқори.

Бугунги кунда мамлакатимизда молия-банк тизими, шунингдек, кичик бизнес, хусусий тадбиркорликнинг барқарор ҳамда узлуксиз ишлаши ва уларни микромолиялаштириш таъминлаш учун етарли даражада мустақкам захиралар яратилганлиги ҳамда зарур ҳуқуқий база барпо этилганлигини таъкидлаш жоиз.

Молия-банк тизимининг мустақкамлигини таъминлашда "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги, "Ипотека тўғрисида"ги, "Истеъмол кредити тўғрисида"ги, "Микромолиялаш тўғрисида"ги, "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг ўз вақтида қабул қилиниши ва такомиллаштирилиши катта аҳамият касб этди.

Ҳақиқатдан ҳам, йигирма бир йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробар, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этгани эътиборга сазовордир.

2008-2011 йилларда, яъни дунёнинг аксарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли равишда тушиб кетган, ишлаб чиқариш пасайган бир вақтда Ўзбе-

кистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил этгани, 2010 йилда бу кўрсаткич 8,5 фоизни, 2011 йилда эса 8,3 фоизни ташкил этгани кўпгина халқаро тузилмалар, эксперт ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кунда Олий Маж-

кин. Буни, энг аввало, миллий қонунчилигимиз асосларининг тубдан такомиллашуви билан боғлиқ, десак хато бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи давлатимиз раҳбарининг бевосита эътиборида бўлиб, бунга ҳатто давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифа сифатида қаралмоқда.



лис Қонунчилик палатасида Президентимиз томонидан белгилаб берилган йўналишда молия-банк тизимини янада такомиллаштириш, унинг барқарорлигини оширишга хизмат қиладиган қатор қонун лойиҳалари депутатлар ва сиёсий партиялар фракциялари томонидан муҳокама қилинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар, қонунчилигимизни янада такомиллаштириш жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитларида ҳам молия-банк тизимининг барқарор ишлашини, иқтисодиётнинг муттасил ва мутаносиб ўсишини таъминлаш ҳамда шу асосда мамлакатимизни янада барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш вазифаларини тизимли, изчил ҳал этиш имкониятини беради.

ФУҚАРОЛАР СОҒЛИҒИНИ  
САҚЛАШ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

**Зухра БОТИРОВА,**  
Меҳнат ва ижтимоий  
масалалар кўмитаси  
раисининг ўринбосари:

– Мустақиллик йилларида олиб борилган изчил ислохотлар тўғрисида аҳолининг саломатлик кўрсаткичи, тиббиётнинг замон талаблари даражасида янгилаштирилиши, қолаверса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида эришилаётган катта ютуқларни бугунги ижтимоий ҳаётимиз мисолида яққол кўришимиз мум-

публика шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш илмий маркази ва унинг вилоятлардаги филиаллари, 10 та ихтисослаштирилган республика илмий-амалий тиббиёт марказларининг барпо этилиши, мазкур муассасалар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги ҳамда юқори малакали мутахассис кадрлар тиббиёт хизматининг сифат жиҳатидан юқори поғоналарга кўтарилишида муҳим ўрин тутмоқда.

Юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистоннинг "Save the children" ("Болаларни асрайлик") Халқаро ташкилоти томо-

сий, иқтисодий ва нафақат ички, балки ташқи майдондаги, халқаро муносабатлардаги барқарорлигини белгилайди.

Эришилган ютуқлар баробарида соҳада ҳали қилинадиган ишлар кўлами, шу жумладан, қонунчиликни такомиллаштириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар турибди. Бу йўлда, албатта, халқимизнинг ишончини оқлаш ва улар саломатлигини яхшилашга хизмат қиладиган янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда ўз ҳиссамизни қўшамиз.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ –  
ЗАМОНАВИЙ БОСҚИЧДА

**Абдуқамол РАҲМОНОВ,**  
Фан, таълим, маданият ва  
спорт масалалари  
кўмитаси аъзоси:

– Истиқлол йилларидан кейин мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари каби таълим тизимидаги фаолиятларни тубдан яхшилаш мақсадида ҳам изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг бевосита раҳнамолигида таълим-тарбия соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурлари, соҳани ривожлантиришга доир Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бир қатор умуммиллий дастурларнинг таълим тизимига муваффақиятли жорий этилиши натижасида мамлакатимизда таълим-тарбия ишлари бутунлай янги тус олиб, унинг ўзбек модели яратилди.

Мазкур ишларни юқори даражада олиб бориш баробарида мактабларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, ўқувчиларга кенг ва тенг шароитлар яратиш, ўқув куроллари ва дарсликлар билан таъминлаш, компьютер техникаси ва технологияларини киритиш, интернетга улашиш борасида самарали механизмлар ишлаб чиқилди.

Пировардида, бугунги кунда 9779 та умумий ўрта ва махсус таълим мактабларида 5 миллионга яқин ўқувчилар таҳсил олмоқда. Мактабларнинг замонавий ўқув лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси ҳамда спорт инвентарлари билан таъминланганлик даражаси 1990 йилга нисбатан 70 фоиздан ошган. Ўзбекистонда МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ташкил этилган. Бугунги кунда халқ таълими тизимида 8603 та кутубхона ва 1074 та ахборот-ресурс марказлари фаолият юритмоқда.

Болалар истеъдодини ривожлантириш ва вақтини мазмунли ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида республикада ташкил этилаётган мактабдан ташқари таълим муассасалари сони ҳам йил (Давоми 3-бетда).



## Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллиги олдидан

## ИСТИҚЛОЛ, ИСТИҚБОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИ

сайн ошиб бормоқда. Агар ўтган асрнинг 90-йилларида 371 та мактабдан ташқари таълим муассасалари ишлаган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 563 тага етган.

Мустақиллик йилларида ўқувчиларни жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғуланишга жалб этиш, шунингдек, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида бугунги кунга қадар 183 та спорт комплекслари (128 та қишлоқ ҳудудида), 62 та сузиш ҳавзалари (20 таси қишлоқ ҳудудида), 1796 та мактаб спорт заллари қурилиши ва 242 та спорт иншоотларини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилиб, фойдаланишга топширилган. Улар зарур жиҳоз ва инвентарлар билан таъминланган.

Мамлакатимизда спорт мусобақаларини ўтказишнинг уч босқичли тизими – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" бахслари барча турдаги таълим муассасаларида болаларнинг спорт билан изчил ва мунтазам шуғуланишини таъминлаш имконини бермоқда. Ушбу мусобақалар тизимида ўқувчилар ўртасида ўтказилган, чинакам оммавийликка эга "Умид ниҳоллари" беллашувлари алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу тизимнинг жорий этилиши натижасида спортчиларимиз томонидан нуфузли мусобақалар, жумладан, Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида голибликни қўлга киритишларида муҳим пойдевор бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган "Меҳрибонлик уйлари" да минглаб болалар барча қулайлик ва имкониятлар шaroитида таълим-тарбия олишмоқда. "Меҳрибонлик уйла-

(Давоми. Боши 2-бетда).

ри"нинг бинолари, уларда яратилган шароитлар, хизмат кўрсатиш сифати энг юқори даражада.

Ногирон болалар ҳам Юртбошимизнинг эътиборидан четда қолмаган. 10 минг 825 нафар ногирон болаларга уйда таълим олишлари учун барча шароитлар яратилган, улар махсус дарсликлар, ўқув анжомлари ва компьютерлар билан бепул таъминланган.

Мактабларда таълим-тарбия ишларини янада ривожлантириш мақсадида оила, маҳалла ва мактаб ўртасида узвий ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги ҳам ижобий самара бермоқда. Бу ижтимоий ҳамкорлик гўё бир-бирини мустаҳкам боғловчи занжир халқаларига ўхшайди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу халқа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги "Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан янада мустаҳкамланди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, таълимга оид барча саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Мамнуният билан айтиш жоизки, Бугунжаҳон банки томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг саводхонлик даражаси 99,34 фоизга етган. Ваҳоланки, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлар сирасига киради.

**СМИ – ДВИЖУЩАЯ СИЛА  
ДЕМОКРАТИЧЕСКИХ РЕФОРМ**

**Дильбар ХАЛИКОВА,**  
член Комитета по вопросам  
информации и  
коммуникационных  
технологий

– Сегодня своевременная и правильная реализация "Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и

формирования гражданского общества в стране", выдвинутая главой нашего государства И. Каримовым на совместном заседании обеих палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, показывает рост уровня политической зрелости и общественного сознания населения, динамику процессов демократизации и либерализации общества.

За годы независимости в стране сделано немало в развитии отечественных СМИ: когда была заново создана система периодической печати, организованы новые республиканские общественно-политические газеты, возросло число электронных СМИ, возникла масса государственных и негосударственных газет и журналов, телерадиоканалов, ориентированных на различные слои и группы общества.

Сегодня с гордостью необходимо отметить, что точно также, как и Узбекистан, стремительно развивается в социально-экономической и общественно-политической области, повышается культурно-просветительский облик страны, также происходят большие перемены в преобразовании сферы массовой медиа. Обратимся к статистике, только за прошедшие десять лет число печатных СМИ в стране возросло в 1,5 раза, электронных СМИ – в 7 раз и в настоящее время их общее число составляет 1292 средства массовой информации.

Нынешний новый этап демократических реформ в Узбекистане, современные реалии и тенденции требуют принятия дополнительных мер по дальнейшему углублению процессов либерализации информационной сферы, создания эффективных правовых механизмов, направленных на усиление роли СМИ в качестве движущей силы демократических и либеральных реформ. И для каждого средства массовой информации основной задачей

считается найти своё место в информационной сфере, делать шаги по пути развития, решить приоритетные задачи дальнейшего усиления роли СМИ в системе гражданских институтов.

В "Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества" Президентом нашего государства выдвинута идея обеспечения финансовой и экономической независимости СМИ как важнейшей задачи реформирования информационной сферы и обеспечения свободы слова и информации: "Дальнейшее укрепление самостоятельности и независимости СМИ прямо связано с усилением правовых гарантий и механизмов обеспечения надежной защиты авторских прав и интеллектуальной собственности, внедрением в информационную сферу рыночных механизмов. Для решения этой задачи предлагается принять законы "Об экономических основах деятельности СМИ", "О гарантиях государственной поддержки СМИ", направленные на повышение эффективности деятельности и защиту экономических интересов участников информационного рынка, создание дополнительных экономических преференций, реализацию других организационно-правовых мер, обеспечивающих поступательное развитие национальной информационной сферы".

Действительно, залогом реальной демократизации общества является внедрение в информационную сферу рыночных механизмов, усиление

конкуренции между различными СМИ, активизация деятельности негосударственных СМИ, дальнейшее развитие нормативно-правовых норм, в части защиты авторских прав и интеллектуальной собственности, внедрение новых перспективных технологий в сфере средств массовой коммуникации.

Действительно, развитие экономических основ деятельности средств массовой информации несомненно будет важным фактором полного формирования и развития информационного пространства, обеспечит свободу слова и информации. В итоге своевременная и правильная реализация инициатив, выдвинутых Президентом Исламом Каримовым на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Узбекистана, послужит прочной основой для дальнейшего укрепления независимости нашей страны, повышения ее имиджа на международной арене и будет способствовать уверенному росту благосостояния народа. Так как на сегодняшний день развитие национальной информационной сферы, повышение качества, мастерства и эффективности национальной прессы до уровня высоких требований и критериев развитых мировых средств массовой информации являются одной из приоритетных задач в процессе развития гражданского общества в стране.

**Юртимизнинг барча соҳаларида ана шундай оламшумул ўзгаришлар ва янгиланишларнинг гувоҳи бўлиш мумкин. Келгуси сонларимизда, албатта, ёритилмаган бошқа соҳалардаги фаолиятлар чуқур таҳлил қилинади.**

**Намоз ТОЛИПОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
Ахборот хизмати масъул ходими.

## Муносабат

## ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ: ФАНДАГИ МУҲИМ ТАРАҚҚИЁТ

**Мамлакатимизни барқарор ривожлантириш ва модернизациялашда илм-фан тараққиётига устувор йўналиш сифатида катта эътибор қаратилди. Қисқа вақт давомида ҳар томонлама етуқ, қомил инсон ва баркамол шахсни тарбиялашга қаратилган узлуқсиз таълимнинг яхлит тизими яратилди. Республикада олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам ислохотлар босқичма-босқич, тадрижий равишда амалиётга жорий этилди. Олий таълимнинг жаҳон стандартларига жавоб берадиган икки босқичли тизими – бакалаврият ва магистратура яратилди. Сўнгги йилларда олий малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилди ҳамда шаклланган стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчилар институтларининг моддий таъминоти мустаҳкамланди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ўз вақтида қабул қилинганлигини алоҳида эътироф этиш даркор.

Ҳақиқатдан ҳам сўнгги вақт-

ларда ҳимоя қилинаётган номзодлик диссертациялари фаннинг ҳусусий бир ҳолатини тадқиқ қилишга қаратилиб, фақатгина шу вақтгача мазкур соҳада амалга оширилган ишлар таҳлилига ва назарий тавсияларга асосланиб қолмоқда эди. Президентимизнинг мазкур Фармонида диссертация тадқиқотлари мавзуларини танқидий қайта

кўриб чиқиш вазифаси белгиланган. Бу ҳолат докторлик диссертацияларининг давлат илмий техник дастурлари, фан ва техниканинг устувор йўналишларга мослиги, муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган илмий муаммоларни танлаш ва унинг ечимини топишга қаратилишини бош мезон қилиб белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармонида илмга чанқоқ ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан ҳам катта ғамхўрлик мавжудлиги сезилиб турибди. Зеро, "бакалавр" илмий даражасига, 3 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга, илмий изланишларга лаёқати мавжуд, илмий-технологик ишланмаларда қатнашаётган, илмий мақолалар чоп этган иждоқор ёшларга ҳам докторлик диссертацияси ҳимоя қилишга рухсат

берилиши кўрсатиб ўтилган.

Республика Президентининг мазкур Фармонида илмий даража ва унвонлар бериш тартибини жаҳон андозаларига мос равишда ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган.

Шунингдек, олий малакали илмий педагогик кадрлар тайёрлашда фан йўналишлари ва ихтисосликларнинг янги рўйхатини ҳисобга олган ҳолда республикаимизнинг етакчи олий таълим муассасаларида яратилган илмий мактаблар ва тўпланган интеллектуал мулкнинг салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, докторлик диссертациялари ҳимоясига ихтисослашган илмий кенгашлар ташкил этишга алоҳида урғу берилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, илмий даражалар беришнинг бир босқичли тизими магистратура мутахассислиги базаси устига қурилишини эътиборга олсак, магистрлар тайёрлаш жараёни-

нинг моддий-техник базаси, давлат таълим стандарти, илмий-педагогик ва илмий-тадқиқот ишлар мазмунини такомиллаштириш заруратини юзага келтириши мазкур Фармоннинг бош ғояларидан бири сифатида эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу Фармони республикаимизда олий таълимдан кейинги таълимни ислоҳ қилишда умумий гаплардан амалий фаолиятга ўтиш, чуқур ўйланган, муқобил, рақобатбардош илмий муҳитни шакллантиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

**Нигмон ХАБИЛОВА,**  
Ўзбекистон  
Республикаси Соғлиқни  
сақлаш вазирлигининг  
Илмий-тектириш  
фаолиятини  
мувофиқлаштириш  
бўлими бошлиғи.

## Матбуот анжумани

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ: ХАЛҚАРО  
ЭЪТИРОФЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

**Жорий йилнинг 17 август куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Ўзбекистон тиббиётининг миллий модели: унинг ўзига хос жиҳатлари, халқаро эътирофлар ва истиқболдаги устувор вазифалар" мавзусидаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Анвар Алимов кириш сўзи билан очиб, республика соғлиқни сақлаш тизимида ислохотлар жараёнида олиб борилаётган ишларга алоҳида урғу бериб, мамлакатимизнинг энг улғу ва энг азиз байрами Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида тиббиёт муассасалари-

услугалар амалиётга жорий қилинди. Жойларда беш поғонадан иборат самарасиз, кўп ҳаракат талаб қиладиган эски тизим ўрнига бирламчи бўғиннинг янги, ихчам ва замонавий тизими – қишлоқ врачлик пунктлари, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари вужудга келди. Вилоят марказларида эса катталар ва болаларга ихтисослашган тиббиёт муассасалари

ўринда республика миқёсида ҳар ойда ўтказиладиган туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш ҳафталигини таъкидлашимиз муҳим. Комплекс чора-тадбирлар доирасида касалликни эрта аниқлаш ва даволашни ташкил қилиш, касалликларнинг олдини олиш ҳамда аҳолининг тиббий маданиятини оширишга қаратилган тиббий кўриклар мунтазам ўтказилмоқда. Шунингдек, бугунги кунда скрининг ва перинатал марказларининг кенг тизими жорий этилди. Мамлакатимизнинг барча вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида ҳар икки

ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги дастурлари регионал модель сифатида тан олинди. 2007 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тиббий хизмат кўрсатиш бўйича миллий модель юқори баҳоланди ва бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида тавсия этилди. Бу албатта, соҳада эришаётган ютуқларимизнинг яққол ифодасидир.

2011 йил Ўзбекистон дунёдаги энг нуфузли – "Save the children" ("Болаларни асрайлик") халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда болалар саломатли-



даги фаолиятлар янада қизғинлик билан давом этаётганлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, анжуман мавзусидан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда жамиятимиз тараққиётини юксалтиришда, аҳолини кундалик янгиликлардан хабардор қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлиги ҳамда 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунинда Президентимизнинг журналистларга йўллаган табриклирида қўйидаги, яъни соҳа мутахассисларининг фаолиятлари масъулиятли ва машаққатли бўлсада, бу борада фидойи меҳнат қиладиганликларини эътироф этганликларини ҳамда уларга катта ишонч билдирганликларини ўз фикрларида баён этди.

Таъкидлаш муҳимки, мамлакатимизда давлат қудрати ва бойлигини белгиловчи муҳим омиллардан бири – тиббиёт тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республика ҳамда вилоятлар шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасаларининг мукамал тармоғи яратилди. Аввало, шунга айтиш кераки, бунда давлатимиз раҳбарининг 1998 йил ноябрь ойидаги Фармони асосида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат ижросини таъминлаш орқали соғлиқни сақлаш соҳасида илғор шакл ва

лари бунёд этилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турли йўналишларда фаолият кўрсатувчи ихтисослаштирилган тиббий марказлар, кадрлар тайёрлаш ҳамда фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Шу ўринда айтиш муҳимки, ана шундай ислохотлар натижасида йигирма бир йил давомида юртимизда бир ёшгача бўлган гўдаклар ва оналар ўлими 3 баробардан кўпроқ камайди, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга узайиб, эркаклар ўртасида 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етди.

Бугун миллий тиббиётимиз қанчалар юксалганини бевосита Президентимиз гоёси билан асос солинган янги тизим – Шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг энг замонавий даволаш муассасаси сифатида шаклланаётгани мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Мамлакатимиз бўйлаб 13 та вилоят филиали ҳамда 171 та туман бўлими, шунингдек, 80 га яқин тез тиббий ёрдам станцияси ва 2000 дан зиёд тез тиббий ёрдам бригадаларини ўз ичига олган Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида бугунги кунда дунёдаги энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда. Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги муваффақиятлардан яна бири бу ихтисослашган тиббиётдир. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони доирасида тизимда хирургия, урология, кўз микрохирургияси, кардиология каби йўналишларда 10 та республика ихтисослашган маркази ташкил этилиб, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Шу

тизим марказлари самарали фаолият юритмоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини ривожлантириш, хусусан замонавий, жаҳон стандартлари даражасидаги тиббиёт масканлари барпо этиш ва жиҳозлаш учун давлатимиз томонидан ажратилаётган маблағлар миқдорининг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги мисолида кўришимиз мумкин. Масалан, 2009 йил Инвестиция дастури доирасида 9,3 миллиард сўм, 2010 йил – 79,1 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2011 йилда 136,0 миллиард сўмни, 2012 йилда эса ушбу кўрсаткич 256,0 миллиард сўмни ташкил қилганлиги фикримиз далилидир. Шу жумладан, жорий йилнинг Инвестиция дастури доирасида 151 та тиббиёт муассасаларида қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш учун 256,0 миллиард сўм режалаштирилган.

Тиббиётимизнинг яна бир ютуғи шундан иборатки, Ўзбекистонда жаҳон тажрибасига асосланган Миллий эмлаш календарини қабул қилинди. Бу жараён ҳар йили болаларнинг деярли 99 фоизини асосий юқумли касалликларга қарши эмлашни ўз ичига олади. Бир қатор халқаро институтларнинг баҳосига кўра аёлларга қулай шароитлар яратиш ва оналикни ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон жаҳоннинг 125 та давлати орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаган. Бугунга келиб, ушбу кўрсаткич Марказий Осиёда энг яхши, МДХ ва Осиёда эса юқори саналади. ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқ бўйи ва МДХ бўйича ҳудудий идораси томонидан Ўзбекистоннинг оналик

гини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор ўн мамлакат қаторига киритилгани ҳамма мизга кечиксиз гурур бағишлади. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида биз эришган бундай ютуқлар 2011 йилда пойтахтимизда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда она ва бола" саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" мавзусидаги халқаро симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа дунёнинг энг нуфузли халқаро ташкилотлари ва 50 га яқин давлатлар томонидан юксак баҳоланди. Агар соҳада эришилган ютуқлар тўғрисида тўхталадиган бўлсак, бу қисқа давр ичида тизимдаги фаолиятлар янада самарали амалга оширилаётганлигидан далолат эканлиги ҳеч биримизга сир эмас.

Тадбир давомида вазирлик ва тиббиёт муассасаларининг мутасадди раҳбарлари ҳам сўзга чиқиб, тизимдаги туб ўзгаришлар хусусида ўз фикрларини билдириб ўтдилар. Сўнгра, матбуот анжуманида иштирок этган журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан етарлича жавоб олдилар.

Хулоса сифатида айтиш муҳимки, кенг аудиторияда ўтказилган мазкур матбуот анжумани журналистларнинг тиббий кўникмаларини ошириш билан бир қаторда, уларнинг соҳада эришилаётган ютуқ ва келажакдаги вазифалари тўғрисида чуқур маълумотлар олиш имкониятига замин яратди.

**Ибодат СОАТОВА,  
Суратлар муаллифи  
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

## Благодарность

СПАСИБО  
ВАМ,  
ЦЕЛИТЕЛИ!

Я, полковник в отставке. Накануне оформления документов в связи с уходом на пенсию, в 2002 году, как положено, пришлось лечь в Центральный госпиталь МВД Республики Узбекистан.

Как сегодня, хорошо помню эпизод из периода своего пребывания в госпитале: тогда ещё относительно молодой главврач госпиталя Хашимджон Хамидович сразу после обеда собрал в зале "Маънавият и маърифат" и призвал всех принять посильное участие в республиканском хашаре, традиционно проводимом в рамках акции "Возроди традицию – посади дерево!", инициатором которой является Международный фонд "ЭКОСАН". Тогда и была заложена арочная роца госпиталя из рассады привезенных от Денауского питомника Сурхандарьинской области.

Прошло время, и вот в этом году, спустя десять лет, вновь прибыл сюда на лечение. Первое впечатление – заложённая и с моим участием роца превратилась в красивый уголок здравницы. Мы, совмещая приятное с полезным, между эффективными лечебными процедурами (несмотря на высокую летнюю жару), под приятнейший запах эфирного масла от арчи, бассейна "золотых рыб", малого заповедника, огромных каменных статуй древности, витесанных далекими предками, и фонтаном отдыхали, беседовали, читали.

В этих благородных делах особо хотелось подчеркнуть организаторские способности умелого руководителя, полковника Хашимджона Усманова, который смог создать не только сплочённый трудовой коллектив, но и оснастил госпиталь передовой медицинской техникой.

К моим чувствам присоединяются все, которые в пору моего пребывания тоже лечились в благоустроенных палатах, процедурных ячеек госпиталя.

Хочу поблагодарить в канун 21-й годовщины независимости весь коллектив госпиталя МВД Республики Узбекистан, среди которых мои целители – лечащие врачи Гульчехра Шадишметова и Дильбархон Исмаилова, медсестра Азиза Усманова, которые смогли в короткий срок – десять дней поставить меня снова в ряд здоровых, также ведущие отделов неврологии и офтальмологии Шухрат Якубджанов и Кадам Бекмуратов, руководители пищеблока Сальф Касимов и Валентина Прохорова.

С уважением,

**Миркарим  
МИРСОВУРОВ,  
начальник отдела  
Международного  
общественного фонда  
"ЭКОСАН", член  
Творческого союза  
журналистов  
Узбекистана.**



## Атроф-муҳитга эътибор

## МУАММОГА ЖИДДИЙ ЁНДАШАЯПМИЗМИ?!

**Сўнгги йилларда фан-техника ривожланиши ва янги технологиялар кенг жорий этилиши натижасида инсониятнинг табиатга кўрсатаётган таъсири тобора жадаллашиб бормоқда. Инсон ва табиат орасидаги ўзаро муносабатлар мураккаблашиб, ушбу таъсир эса табиий омиллар билан қийёсланмоқда. Шунинг учун ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланмоқда.**

## ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Маълумотларга қараганда, инсон соғлигининг 67-74 фоизи ташқи муҳит, овқатланиш ва яшаш шароитига, 16-18 фоизи генетик ва наслий омилларга ва фақатгина 10-15 фоизига соғлиқни сақлаш хизматида боғлиқ экан.

Ўтган ўттиз йил ичида инсоният ердаги мавжуд ресурсларнинг учдан бирини сарфлаб бўлди. Йилдан-йилга ресурслар истеъмоли бир ярим фоизга ошиб бормоқда. Шунинг учун табиий ресурсларни тежаш, муқобил ресурсларни излаб топиш, хом ашёни иккиламчи қайта ишлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳондаги чиқиндиларнинг 80 млрд. тоннадан зиёд ахлат тўпланиб қолмоқда. Уларнинг атиги учдан бир қисми қайта ишланмоқда, холос. Шаҳарларни санитар тозалаш тизими куйидагилардан иборат. Яъни, чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўплаш, йиғиш, ташиб кетиш, саралаш, термик қайта ишлашга юбориш, иккиламчи хом ашё сифатида фойдаланиш, полигонларга ташиб кетиш, электр энергияси олишда ёқилган сифатида фойдаланиш, қайта ишлаш ва кўмиш.

Чиқиндилар – бир томондан атроф-муҳитга ва инсонга салбий таъсир кўрсатиш манбаси бўлса, иккинчи томондан – иккиламчи минерал ва энергетик ресурслар манбаси ҳам ҳисобланади.

Чиқиндиларни бошқариш ва уларни утилизация қилиш масаласида илғор хорижий давлатлар тажрибасини кўрадиган бўлсак, айрим давлатларда (Германия, Исроил, Буюк Британия) чиқиндиларни тўплаш жойларида турли хил рангдаги контейнерлар ўрнатилган. Европа мамлакатлари, АҚШ ва Японияда қўланаётган чиқиндиларни ҳосил бўлиш жойидаёқ турларга ажратиш саралаш тизими жорий этилган.

Германияда эса чиқиндиларни саралашда куйидаги талаблар белгиланган:

- *кўк рангли идиш* – қоғоз учун: (газета, журнал, қоғоз, картон ва бошқалар);  
- *жигарранг идиш* – жигарранг шиша учун;

- *яшил рангли идиш* – яшил рангли шиша учун;

- *оқ рангли идиш* – оқ рангли шиша учун;

- *сарик контейнер ва сарик қопча* – консерва ва ичимликлар банкалари, алюминий қопқоқлар ва фольга, қадоқланган соклар ва сут пакетлари, пластмасса ва полиэтилен пакетлар ҳамда бошқалар учун;

- *қора контейнер* – озиқ-овқат, мева ва сабзавот чиқиндилари, бошқа маиший ахлатлар учун;

- *кўнғир рангли контейнер* – қолдиқ чиқиндилар, яъни бошқа контейнерларга тушмаган катта ҳажмдаги чиқиндилар, металллар, ёғоч ва текстиль маҳсулотлари, батареялар, лак, бўёқ, кислота, медицинаментлар, кемирувчиларга қарши воҳситалар ва бошқалар учун мўлжалланган.

Европа Иттифоқи давлатларининг юқоридаги талаблар асосида амалга оширган чора-тадбирлар натижасида чиқиндиларни бошқариш тизими тубдан янгилаштиришга эришилди. Хусусан, Швеция мамлакатига чиқиндиларни қайта ишлаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бу ерда ҳукумат ахлат ва чиқиндилардан иккиламчи хом ашё олиш учун янги технологияларни ишлаб чиқишга зарур вақт ва маблағ ажратиб келмоқда. Шу боис, ушбу ҳудудларда ахлатнинг қайта ишланиш даражаси 80 фоиздан ошди.

Европа Иттифоқида чиқиндиларни бошқаришда №1993/13/ЕС Директивасига риоя қилган ҳолда куйидаги устувор йўналишларга эътибор қаратилган: би-

ринчидан, чиқиндилар ҳосил бўлишини бар-тараф қилиш; иккинчидан, улардан имкони борича иккиламчи фойдаланиш, учинчидан, агарда қайта ишлатиш мумкин бўлмаса, уларни рециклинг қилиш (қайта ишлашга йўналтириш), тўртинчидан, чиқиндиларни энергия ҳосил қилишда ишлатиш, бешинчидан, кўрсатилган чораларнинг иложи бўлмаса, у ҳолда уларни кўмиб юборишдан иборатдир.

Ривожланган мамлакатларда каттиқ маиший чиқиндиларга бўлган муносабат шуни кўрсатмоқдаки, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, маиший чиқиндилар ҳажмининг ўсиши ўзининг аянчли аломатларини кўрсатди. Дунёнинг деярли барча мамлакатига каттиқ маиший чиқиндилар аҳоли жон бо-



шига ҳар 10 йилда 10 фоизга ошмоқда. Ҳозирда маиший чиқиндиларнинг ҳар йилги массаси 400 млн. тонна ташкил қилса, шулардан 80 фоизи оддий чиқинди-полигонларида кўмиш йўли билан зарарсизлан-тирилмоқда.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан тежамкорона ва оқилона фойдаланиш, чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологияларни ишлаб чиқариш корхоналарини кенг жорий этиш каби масалалар энг муҳим ва ўз ечимини кутаётган умумдавлат вазибаларидан бирига айланиб бормоқда.

МИЛЛИЙ КОНУНЧИЛИК  
ВА ОҚИЛОНА СИЁСАТ

Мустақиллик йилларида тизимли экологик сиёсатнинг амалга оширилиши, ишлаб чиқариш соҳаларини модернизация қилиш, замонавий технологияларни амалиётга кенг жорий этиш туфайли атмосфера ҳавосига ажралаётган зарарли моддаларнинг миқдори 2,1 мартага, оқва сувларни исроф қилиш даражаси эса 2 мартага камайишига эришилди. Мамлакатимизда Мингйиллик ривожланиш декларацияси мақсадларига эришиш, “Хавфли чиқиндиларни тараққийлаштириш олиб ўтилиши ва уларнинг йўқ қилинишини назорат қилиш тўғрисида”ги Базель Конвенцияси талаблари асосида чиқиндиларни бошқариш билан боғлиқ масалалар бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ушбу масалаларни қонуний жиҳатдан тартибга солиш мақсадида 2002 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. “Ўзбекистонда барқарор тоза ишлаб чиқариш Дастурини ишлаб чиқиш ва тоза ишлаб чиқаришни татбиқ этиш” ҳамда Ўзбекистонда БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги давлат сиёсати ва ҳаракатлар самарадорлигини оширишга қарайилган “Ўзбекистон Республикасида чиқин-

диларни бошқариш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси” ҳаётга жорий этилмоқда.

